

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 657.411 (575.1)

НАСРЕТДИНОВ
Саидвали Саиднабиевич

**Консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот
тузишнинг назарий ва услубий масалалари
(«Дори-Дармон» Давлат акционерлик
уюшмаси мисолида)**

Ихтисослик: 08.00.08.-«Бухгалтерия ҳисоби,
иқтисодий таҳлил ва аудит»

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун бажарилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент - 2004

Диссертация Тошкент молия институти “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар: Хасанов Б.А. - иқтисод фанлари номзоди,
доцент

Расмий оппонентлар: Жўраев Н.Ю. - иқтисод фанлари доктори,
профессор

Гадоев Э.Ф. - иқтисод фанлари номзоди,
доцент

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги

Диссертация 2004 йил 14 октябр соат 15:00 да Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси қошидаги К.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини бериш бўйича йиғилишида ҳимоя қилинади.

Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Х.Арипов кўчаси, 16.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2004 йил 13 сентябр да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби,
иқтисод фанлари номзоди,
доцент



А.Усанов

а-13483

I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Кириш. Республикамызда бозор ислохотларини босқичма-босқич чуқурлаштириш натижасида иқтисодиётда концернлар, корпорациялар, ассоциациялар, холдинг компаниялари ва шу каби замонавий бошқарув тузилмалари таркиб топмоқда. Мазкур ҳолат бошқарув тизимини ишончли ва тезкор ахборотлар билан таъминлаш, хўжалик маблағлари ва уларнинг шаклланиш манбалари, молиявий натижалар, дивидендлар тўғрисидаги ахборотлар асосида Бош, шўъба ва қарам корхоналарининг мулкый ҳақда молиявий ҳолатини ҳаққоний ифодаловчи консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузишни талаб қилади. Шунингдек, бир-бирига боғлиқ Бош ва шўъба корхоналари гуруҳининг ташкил этилиши корхоналар фаолиятида молиявий, меҳнат ва моддий ресурсларни тежашга кенг йўл очади.

Мамлакатимизда амал қилаётган қонунчилик талабларига мувофиқ, корхоналар ўз филиаллари, ваколатхоналари ва шўъба корхоналарига эга бўлган тақдирда консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузадилар. Аммо, республикамызда консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузиш масалаларига оид илмий ишланмалар етарлича эмас, фақат қуйидаги айрим меъёрий ҳужжатларгина мавжуд:

- Европа Иттифоқининг «Ҳисобот шакллари унификация қилиш ва уларни аудитдан ўтказиш қоидалари» номли 4-сонли директиваси (25.07.78й);

- Европа Иттифоқининг «Консолидациялашган бухгалтерия ҳисоботини тузиш тамойиллари тўғрисида»ги 7-сонли директиваси (13.07.83й);

- Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонуни» (1996й, 17-модда);

- Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг 8-сонли «Консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот ва шўъба корхоналарга қилинган инвестициялар ҳисоби» номли миллий стандарти.

Бу ҳолат бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш, унинг муҳим таркибий қисми бўлган консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузишнинг назарий ва услубий асосларини такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқаради.

Консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботни тузишнинг назарий ва амалий асосларини ривожлантириш борасида кўшгина хорижлик иқтисодчи олимлар жумладан, А.Н.Кашаев, В.Д.Новодворский, А.А.Матвеев, В.П.Суйц, В.В.Палий, В.Т.Козлова, В.С.Плотников, С.И.Пучкова ва О.В.Рожновалар тадқиқотлар олиб боришган.

* 1996 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддаси «Умумлаштирилган молиявий ҳисобот» деб номланган.

Бироқ, бу тадқиқотларнинг кўпчилиги асосан ривожланган ғарб давлатларининг консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузиш тажрибасини умумлаштиришга қаратилган.

Мазкур масаланинг айрим жиҳатлари мамлакатимиз олимлари Н.Ю.Жўраев, А.М.Жуманов, Ё.А.Абдуллаев, Д.К.Кудбиев, Ҳ.Н.Мусаев, А.С.Сотиволдиев, А.Қ.Ибрагимов, А.Х.Пардаев, М.Ш.Шарифхўжаев, М.Қ.Пардаев, М.М.Тулаҳўжаева, С.В.Воҳидов, И.А.Нурматов, О.Бобожонов, Э.Ж.Муйдинов, Б.А.Хасанов, А.А.Каримов ва Э.Ф.Гадоевларнинг илмий асарларида қисман ўз ифодасини топган. Республикамизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар учун муаммонинг комплекс ечимига бағишланган илмий ва амалий тавсиялар ҳозирги пайтгача мавжуд эмас.

Юқоридагиларнинг барчаси танланган мавзунинг ҳозирги пайтда ниҳоятда долзарб эканлигидан далолат беради ва бу йўналишда илмий-тадқиқотлар олиб боришни долзарб қилиб қўяди.

Тадқиқотнинг мақсади. Консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузиш услубиётини чуқур тадқиқ қилиш ҳамда унинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш тадқиқот ишининг мақсадидир.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертация ишини бажаришда куйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Бош, шўба ва қарам корхоналарининг ҳуқуқий мақомини аниқлаш ва улар ўртасидаги иқтисодий муносабатларга таъриф бериш;

- консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот субъектларини таснифлаш;

- консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузишни тарихий шаклланиш жараёни, ривожланган мамлакатларда уни тайёрлашнинг алоҳида хусусиятларини таҳлил қилиш;

- бухгалтерия ҳисоби тизимида консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузишнинг аҳамияти, мақсади ва вазифаларини белгилаб бериш;

- консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботни йиғма молиявий ҳисобот ва алоҳида корхона молиявий ҳисоботи билан фарқли жиҳатларини қиёсий таҳлил қилиш ва уларга асосланган ҳолда муҳим услубий тавсияларни шакллантириш;

- танланган тадқиқот объекти корхоналари учун консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузиш тартиби ва тамойилларини тадқиқ этиш;

- консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузиш босқичларини такомиллаштириш;

- «Бирлик» ва «Манфаатлар» назариялари асосида консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузишни мукамаллаштириш бўйича тавсиялар бериш;

– Бош ва шўба корхоналарининг консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот шакллари тузиш бўйича амалий таклифлар киритиш;

– Шўба корхоналари молиявий ҳисоботини консолидациялаштириш хусусиятларини кўрсатиб бериш;

– Шўба корхоналар молиявий ҳисоботини консолидациялаштиришда бирлаштириш ва сотиб олиш усулларини қўллаш бўйича тавсиялар бериш;

– Қўшма корхоналарда хусусий капитални консолидациялаштириш тартибини асослаб бериш;

– Бош, шўба ва қарам корхоналари молиявий ҳисоботларини консолидациялаштиришнинг Equity усулини тадқиқ этиш ҳамда уни амалиётга қўллаш бўйича илмий тавсияларни шакллантириш.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари. Илмий янгиликни ташкил этувчи энг муҳим хулоса ва таклифлар қуйидагилардан иборат:

– Бош, шўба ва қарам корхоналарининг ҳуқуқий мақомига таъриф берилди ҳамда улар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар илмий-назарий жиҳатдан асосланди;

– Бош, шўба, қарам ва қўшма корхоналар консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузишнинг субъектлари сифатида таснифланди;

– консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботни тарихий шаклланиш жараёни таҳлил қилинди ва ривожланган мамлакатларда уни тузишни ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилди;

– бухгалтерия ҳисоби тизимида консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботнинг иқтисодий моҳияти аниқланди ҳамда уни тузишнинг мақсад ва вазифалари белгиланди;

– консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботни йиғма молиявий ҳисобот ва алоҳида корхона молиявий ҳисоботи билан фарқли жиҳатлари қиёсий таҳлил қилинди, жиддий фарқлари очиб берилди ва булардан келиб чиққан ҳолда муҳим услубий тавсиялар ишлаб чиқилди;

– консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузишнинг ўзига хос тамойиллари аниқланди. Тадқиқотда мазкур ҳисоботни тузишга доир мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг илмий ишлари ҳамда тегишли халқаро стандартлар, меъёрий ҳужжатлар чуқур илмий асосда ўрганилди;

– консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботни тузиш тартиби ва босқичларини ҳамда консолидациялаштиришга тегишли меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришга доир тавсиялар умумлаштирилди;

– «Бирлик» ва «Манфаатлар» назарияларини атрофлича тадқиқ этиш асосида консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузишни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди;

– Бош ва шўъба корхоналарининг баланс, молиявий натижалар, пул оқимлари тўғрисидаги консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот шакллари тузиш бўйича илмий асосланган амалий тавсиялар берилди;

– шўъба корхоналари молиявий ҳисоботини тўлиқ консолидациялаштириш усули ёрдамида бирлаштириш таклиф этилди;

– шўъба корхоналари капиталини бирлаштириш ва сотиб олиш усуллари ёрдамида консолидациялаштириш бўйича амалий таклифлар асосланди;

– қўшма корхоналар молиявий ҳисоботини консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботга мутаносиб бирлаштириш усули орқали киритиш тавсия этилди;

– Бош, шўъба ва қарам корхоналари молиявий ҳисоботларини консолидациялаштиришнинг Equity усули амалий мисоллар асосида тадқиқ этилди ҳамда уни қўллаш бўйича илмий тавсиялар берилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузиш бўйича тадқиқотда келтирилган назарий ва методологик қоидалар, хулосалар ва таклифлар мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тузиш тартибини халқаро стандартларга мувофиқ ислоҳ қилишнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш учун қўлланилиши мумкин. Айрим назарий қоидалардан ўқув муассасаларида “Молиявий ҳисоб”, “Молиявий ҳисобот”, “Молиявий менежмент” каби фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Ишнинг амалий аҳамияти эса олиб борилган тадқиқотлар натижасида ва республикамиз ҳамда хорижлик иқтисодчи олимларнинг ишларини ўрганиб чиқиш асосида олинган назарий хулосаларни Бош ва шўъба корхоналари амалиётида консолидациялаштирилган ҳисобот тузишга тадбиқ этишдан иборат.

Тадқиқот натижаларини синов ва муҳокамадан ўтказилганлиги. Муаллиф ўз тадқиқотлари натижаларини «Дори-Дармон» давлат акционерлик уюшмаси тизимидаги корхоналарнинг консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботини тузишда қўллаган ва буни тасдиқловчи далолатномалар олинган (Уюшманинг 2004 йил 6 февралдаги 24-05/177а-сонли маълумотномаси).

Диссертация ишининг айрим назарий тавсияларидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги ўқув юртларининг ўқув жараёнида фойдаланилмоқда (2004 йил 3 май 8/509-сонли ТМИнинг маълумотномаси).

Шу билан бирга илмий изланувчи томонидан берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузиш бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини ишлаб чиқиш жараёнида

фойдаланиш учун қабул қилинган (Молия вазирлигининг 2004 йил 7 майдаги ТД 17-19/433 сонли маълумотномаси).

Диссертация иши Андижон муҳандислик иқтисодиёт институти, Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси илмий семинарларидан муваффақиятли муҳокамадан ўтган.

Нашр қилинган илмий ишлар. Тадқиқот ишининг асосий мазмуни халқаро ва республика миқёсида ўтказилган анжуманларда чоп этилган тезисларда, журналларда эълон қилинган мақолаларда акс эттирилган бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 1,5 б.т.ни ташкил этади.

Илмий ишининг таркибий тузилиши. Диссертация иши мантқиқий кетма-кетликда боғланган кириш, учта боб, хулоса, 23та жадвал, 4та чизма, адабиётлар рўйхати ва 4та иловалардан иборат.

II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бухгалтерия ҳисобида янги тушунчалар қаторида консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботни шаклланиш жараёнини атроф-лича тадқиқ этиш асосида унинг назарий ва услубий негизларини ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот ягона иқтисодий тузилма ҳисобланган ўзаро боғлиқ Бош ва шўба корхоналари гуруҳининг молиявий ҳисоботи бўлиб, уларнинг ҳисобот давридаги мулкий ва молиявий ҳолати ҳамда фаолиятининг молиявий натижаларини ҳаққоний ифода-лашга хизмат қилади.

Фикримизча, «консолидациялаштирилган» атамаси ўрнига ўзбек терминологиясида «умумлаштирилган» атамасини киритиш мақсадга мувофиқ, чунки Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасида ҳам «умумлаштирилган» атамасидан фойдаланилган. Аммо, баъзи меъёрий ҳужжатларда, масалан, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 8-сонли миллий стандартида «консолидациялаштирилган» атамаси «жамланган» деб номланган. «Жамланган» атамаси амалда вазирлик ва идоралар томонидан мажбурий равишда тузиладиган йиғма ҳисобот атамасига мос келиб, умумлаштирилган молиявий ҳисоботни ўзида акс эттирмайди.

Консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботнинг мақсади Бош ва шўба корхоналари гуруҳи мулкий ва молиявий аҳволи, уларнинг фаолият натижалари тўғрисидаги тўлиқ ахборотларни шакллантиришдир. Бу ҳисобот ички ва ташқи фойдаланувчилар: корхона раҳбари, Бош ва шўба корхоналари гуруҳи раҳбарлари, унинг таркибига кирувчи корхоналар ходимлари, салоҳиятли инвесторлар ва кредиторлар, мол етказиб берувчилар, харидорлар,

шунингдек, бошқа манфаатдор фойдаланувчилар учун муължалланган.

Консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботнинг асосий вазибаларини қуйидагича таърифлаш мумкин:

1. *Ахборот вазибаси.* Бу вазиба Бош ва шўъба корхоналари гуруҳи таркибига кирувчи корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида зарур ахборотлар олиш имконини беради;

2. *Ички фойдаланувчилар учун режалаштириш ва тартибга солиш вазибаси.* Ички фойдаланувчилар консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботдан Бош ва шўъба корхоналари гуруҳи фаолиятини режалаштириш, унинг ичидаги иқтисодий жараёнларни тартибга солиш, молиялаштириш ва даромадларни молиявий режалаштириш, ички дивидендларни тўлаш учун фойдаланади.

3. *Солиштириш ва таҳлил қилиш вазибаси* Бош ва шўъба корхоналари гуруҳи ичидаги алоҳида корхоналар фаолияти ва иқтисодий аҳволини қиёсий таҳлил қилиш имконини беради.

Амалиётда консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботни тузишда Бирлик ва Манфаатлар назарияларидан фойдаланилади.

Бирлик назариясига мувофиқ, Бош ва шўъба корхоналари гуруҳига аъзо бўлган жамиятлар яъни мустақил юридик шахслар – Бош ва шўъба корхоналари гуруҳи ташкил топгач, улар ўз мустақиллигини йўқотиб, иқтисодий жиҳатдан ягона “Бош ва шўъба корхоналари гуруҳи” деб номланувчи янги иқтисодий тузилмани ташкил қилади.

Манфаатлар назариясида ҳам умумлаштирилган молиявий ҳисобот бир неча жамиятлардан иборат янги мустақил иқтисодий тузилма ҳисоботи ҳисобланади. Бироқ, унинг Бирлик назариясидан фарқи шундаки, у Бош ва шўъба корхоналари гуруҳидаги «кўпчилик» ва «озчилик» манфаатлари турлича деган асосга таянади.

Бош, шўъба, ҳамкорликда назорат қилинадиган ва қарам корхоналар молиявий ҳисоботларини консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботга киритишда қуйидаги усуллардан фойдаланилади (1-жадвал).

Бош ва шўъба корхоналари гуруҳи молиявий ҳисоботларини консолидациялаштириш усулларини тадқиқ қилишда уларни алоҳида хусусиятларига қараб ташқи ва ички доира корхоналарига бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Бош ва шўъба корхоналари гуруҳи ички доирасига кирувчи дастлабки иқтисодий тузилма шўъба корхоналари ҳисобланади. Уларни Бош корхона ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш орқали тўлиқ назорат қилади. Шу сабабли, шўъба корхоналарининг молиявий ҳисоботи консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботга тўлиқ консолидациялаштириш усули ёрдамида киритилиши лозим.

**Бош ва шўъба корхоналари гуруҳларида
консолидациялаштириш усуллари**

Корхоналар гуруҳлари	Гуруҳ томонидан назорат қилинадиган овозлар улуши	Фойдаланиладиган усуллар
Шўъба корхоналари; (27-сонли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти)	50% + 1 акция	Тулиқ консолидациялаштириш (сотиб олиш усули)
Қарам корхоналар ёки уюшган компаниялар; (28-сонли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти)	20-50%	Иштирок улуши (мос қиймат усули)
Компанияларнинг бирлашиши; (22-сонли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти)	50%	Бирлаштириш усули орқали консолидациялаштириш
Қўшма корхоналар; (31-сонли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти)	Хусусий капиталдаги улушнинг тулиқ назорати	Мутаносиб консолидациялаштириш

Ички консолидациялаштиришнинг муҳим бугини қўшма корхоналар ҳисобланиб, улар молиявий ҳисоботи консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботга мутаносиб бирлаштириш усули орқали киритилади. Бу усул шўъба корхоналарини тулиқ консолидациялаштириш усулига ўхшаш, фақат унинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

- консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботга қўшма корхона ёки ҳамкорлик фаолиятининг актив ва мажбуриятлари, барча харажатлари ва даромадлари мутаносиб киритилади;
- капитални консолидациялаштиришда сотиб олиш усули қўлланилади, айна пайтда бирлаштириш усулидан фойдаланилмайди;
- озчилик улуши ҳисобга олинмайди ва консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботда акс эттирилмайди;

- Бош ва шўъба корхоналари гуруҳи ўртасидаги муомалалар Бош корxonанинг иштирок этиш улушига мутаносиб равишда консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботдан чиқарилади.

Бирлаштиришнинг *ташқи доираси*ни эса бошқа корхоналар ташкил қилади. Уларга Бош корхона ҳал қилувчи, ҳамкорликдаги ва аҳамиятли таъсир кўрсатмайди.

Консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот таркиби алоҳида корхона молиявий ҳисоботига мос келиши лозим. Бунинг учун у ўз ичига консолидациялаштирилган баланс, молиявий натижалар, пул оқимлари тўғрисидаги консолидациялаштирилган ҳисобот, тушунтириш хати ва изоҳларни олиши керак.

Бош ва шўъба корхоналари гуруҳи консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботларини тузиш босқичма-босқич амалга оширилади.


Халқаро амалиётда консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботни тузишнинг қуйидаги учта асосий босқичи мавжуд:

- ўтиш ҳисоботини тузиш;
- алоҳида ҳужалик жамиятларининг баланс ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботини горизонтал жамлаш;
- бевосита консолидациялаштириш.

Бизнинг таклифимизча, консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботни тузиш bosқичларини қуйидаги кўринишда батафсил баён этиш мақсадга мувофиқдир (1-чизма).

1-чизма.

Бош ва шўба корхоналари гуруҳи молиявий ҳисоботларини консолидациялаштиришнинг таклиф этилаётган bosқичлари



Консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузишнинг биринчи босқичининг зарурлиги шундаки, аксарият ҳолларда корхона ҳисоб сиёсатида Бош ва шўба корхоналари гуруҳининг барча корхоналари учун ягона бўлган талабларга қарамасдан, уларнинг ҳисоботи турли муддатларда ва турли валютада тузилади. Бунда Бош ва шўба корхоналари гуруҳининг муайян корхонаси молиявий ҳисоботини ўтиш ҳисоботини тузиш ёрдамида бирлаштиришга тайёрлаши мақсадга мувофиқдир.

Ўтиш ҳисоботини тузишда *дастлабки босқич* Бош ва шўба корхоналари гуруҳи молиявий ҳисоботининг таркиби ва тузилмасини ўрганиш ҳамда таққослаш ҳисобланади.

Иккинчи босқичда корхоналар молиявий ҳисобот моддалари таркиби ва мазмунини Бош корхона томонидан қабул қилинган ҳисоб усулларига мос келишини қайта кўриб чиқиш лозим.

Қўшма корхоналар балансларини Бош корхона валютасида қайта ҳисоблаш ўтиш ҳисоботини тузишнинг *яқиний босқичи* ҳисобланади.

Консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузишнинг *иккинчи босқичида* корхоналар молиявий ҳисоботи горизонтал равишда жамланади.

Натижада корхоналар молиявий ҳисоботининг тегишли моддалари суммасини ифода этадиган умумлаштирилган баланс тузилади.

Учинчи босқич баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги консолидациялаштирилган ҳисобот тузишни ўз ичига оладиган бевосита консолидациялаштиришни ифодалайди. Унинг мақсади Бош ва шўба корхоналари гуруҳи тўғрисидаги ахборотларни ягона иқтисодий тузилма сифатида тақдим этишдир.


Бевосита консолидациялаштириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Капитални консолидациялаштириш;
2. Мажбуриятларни (дебиторлик, кредиторлик қарзлари) консолидациялаштириш;
3. Оралиқ натижаларни чиқариб ташлаш;
4. Даромад ва харажатларни консолидациялаштириш.

Бош ва шўба корхоналарининг консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботи консолидациялаштирилган баланс, молиявий натижалар ва пул оқимлари тўғрисидаги консолидациялаштирилган ҳисоботлардан иборат.

Бу ҳисобот шаклларини тузиш тартибини қуйидаги чизма орқали тасвирлаш мақсадга мувофиқдир (2-чизма).

Консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузишнинг хусусиятлари, шакллари ва усуллари



- сотиб олиш қийматини аниқлаш;
- фирма баҳосини аниқлаш ва акс эттириш;
- шўъба корхонасининг устав капиталидаги сотиб олинган улушни аниқлаш;
- келгуси даврларда капитални консолидациялаштириш;
- озчилик улушини акс эттириш ва ҳ.к.

Сотиб олиш қиймати сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатлар суммасидан шаклланади. Унга маслаҳат ва нотариал хизматлари, акционерларни хабардор қилиш, янги корxonани Бош ва шўъба корxonалари гуруҳига бирлаштириш ва ҳ.к. харажатлар киради.

Бош ва шўъба корxonалари гуруҳи капиталини бевосита консолидациялаштиришда балансли баҳолаш ва янги баҳолаш усулларида фойдаланилади.

Баланс баҳоси усулига мувофиқ, актив ва мажбуриятлар куйидагича баҳоланади:

- Бош ва шўъба корxonалари гуруҳининг бирор корxonада иштирок этиш даражасига тенг бўлган улуш бозор қиймати бўйича;
- Озчилик улуши ўтган йилги баланс баҳоси бўйича.

Капитални баланс баҳоси бўйича дастлабки консолидациялаштириш икки босқичда амалга оширилади:

1. Таъсисчилар улушини шўъба корxonаси устав капиталининг тегишли улуши билан қайта ҳисоблаш;

2. Четланишларни капиталнинг баланс баҳоси ва таъсисчилар улуши ўртасида шўъба корxonаси мулки ҳамда мажбуриятларидаги фойдаланилмаган резервлар ва харажатлардан фойдаланган ҳолда тақсимлаш.

Янги қиймат усулини қўллаганда консолидациялаштиришнинг иштирок қиймати ва шўъба корxonаси маблағи улуши ўртасидаги фарқни аниқлаш ҳамда фойдаланилмаган резервларни ҳисобга олиш каби босқичлар баланс баҳоси усулига нисбатан тескари тартибда амалга оширилади. Бу усулда баланс баҳоси усулидан фарқли равишда, актив ва мажбуриятларнинг баланс ҳамда жорий қиймати ўртасидаги фарқ Бош корxonанинг иштирок улушига мос равишда эмас, балки унинг тўлиқ ҳажмида ҳисобга олинади.

Мажбуриятларни консолидациялаштиришда Бош ва шўъба корxonалари гуруҳининг бир-бирига нисбатан барча қарздорлик муносабатлари ва уларнинг натижалари бартараф этилади.

Мажбуриятларни консолидациялаштириш ўз ичига Бош ва шўъба корxonаларининг дебиторлик, кредиторлик ва бошқа қарздорликлари, аванс тўловлари, қимматли қоғозларга харажатлар, келгуси давр харажатлари, шунингдек, улар ўртасидаги муносабатлар натижасида ташкил этилган заҳираларни бирлаштиришни олади.

Бирлик назариясига мувофиқ, алоҳида корxonалар мустақил бўлмаган бўлинмалар ҳисобланган ҳолатда Бош ва шўъба

корхоналари гуруҳи ичидаги муомалалардан олинган даромадлар *оралиқ натижа* ҳисобланади. Бу даромадлар сотувчи молиявий ҳисоботида акс эттирилади, харидор молиявий ҳисоботида эса сотиб олинган активларнинг баҳоси акс эттирилади, бу муомалалар консолидациялаштириш талабларига жавоб бермайди. Шу сабабли, маълумотларни консолидациялаштирилган балансга қўшишда *оралиқ натижаларни тўлиқ суммада чиқариб ташлаш* лозим.

Молиявий натижалар тўғрисидаги консолидациялаштирилган ҳисобот ҳам консолидациялаштирилган баланс каби Бош ва шўъба корхоналари гуруҳи таркибига кирувчи корхоналарни молиявий ҳисоботларининг тегишли моддаларини бирлаштириш орқали тузилади. Уни тайёрлашда даромад ва харажатларни консолидациялаштириш амалга оширилади.

Бош ва шўъба корхоналари гуруҳининг молиявий натижалари тўғрисидаги консолидациялаштирилган ҳисоботи фақат уларнинг таркибига кирмайдиган корхоналар билан содир бўлган муомалалар натижасида юзага келган даромад ва харажатларни ўз ичига олиши керак. Шу сабабли, консолидациялаштириш жараёнида Бош ва шўъба корхоналари гуруҳи корхоналари ўртасидаги муомалалар натижасида юзага келган даромад ва харажатларни чиқариб ташлаш зарур. Бунда, нафақат сотишдан тушган тушум, балки хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар ҳам чиқариб ташланиши лозим.

Қуйидаги мисолда молиявий натижалар тўғрисидаги консолидациялаштирилган ҳисоботдан тўлиқ чиқариб ташланган ҳолатни кўриб чиқамиз:

Бош ва шўъба корхоналари гуруҳининг «Дори-Дармон» ДАУ 825536 минг сўм миқдорида маҳсулотни четдан сотиб олиб, «Дори-Дармон Гарант» УКга етказиб берди. Бош корхона маҳсулотни ўша даврнинг ўзида четга 869139 минг сўмга сотди. Бунда консолидациялаштириш жадвали қуйидаги кўринишда бўлади: (3-жадвал).

3-жадвал

Маҳсулот Бош ва шўъба корхоналари гуруҳи ташқарисига сотилган ҳолатда даромадларни консолидациялаштириш, минг сўмда

Кўрсаткичлар	Бош корхона «Дори-Дармон» ДАУ	Шўъба корхона «Дори-Дармон Гарант» УК	Йиғма баланс	Консолидациялаштириш		Конс. баланс
				қў-шиш	айи-риш	
1	2	3	4	5	6	7
Даромадлар: шу жумладан, сотишдан тушган тушум	3397636	869139	4266775		8258 36	3440939
Сотилган маҳсулотларнинг танвархи	3323940	825536	4149476		8258 36	3323640
Маҳсулот сотишдан тушган ялпи даромад	163696	43303	206999			206999

Бу жадвалда консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботда четга сотишдан тушган тушум ва унга тегишли харажатларни консолидациялаштириш тартиби акс эттирилган.

Агар Бош ва шўъба корхоналари гуруҳи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобот даврида улардан бирининг балансида акс эттирилса, алоҳида корхона нуқтаи-назаридан маҳсулотлар ўз эҳтиёжи учун ишлаб чиқарилган бўлади.

Бош ва шўъба корхоналари гуруҳининг муайян корхонасига таъсири даражасига асосланган кейинги босқич қарам корхоналари молиявий ҳисоботларини консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботга Equity усули ёрдамида бирлаштиришдир. Бу усулнинг асосий хусусияти шундан иборатки, унда тўлиқ ва мутаносиб равишда консолидациялаштириш усулидан фарқли равишда, алоҳида корxonанинг молиявий ҳисоботидаги актив ва мажбуриятлар, даромд ва харажатлар Бош ва шўъба корхоналари гуруҳи консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботига киритилмайди. Унда фақат иштирок қиймати қарам корxonанинг ўз капиталида, Бош компаниянинг иштирок улушига мос равишда акс эттирилади. Equity усулининг икки хил кўриниши яъни баланс ва мос қиймат усуллари қўлланиши мумкин.

Баланс қиймати усули асосида консолидациялаштиришда Бош компаниянинг улуши қарам корхона балансида ифодаланган қийматга яъни сотиб олиш қиймати мувофиқ белгиланади.

Мос қиймат усулидан фойдаланилганда биринчи йилда Бош корxonанинг қарам корхона капиталидаги иштирок улуши сотиб олиш қиймати бўйича эмас, балки янги қиймат усулига кўра актив ва мажбуриятларнинг қайта баҳолангандан сўнг аниқланадиган қиймати тушунилади.

Қарам корxonанинг хусусий капитали ҳажмининг ўзгариши келгуси ҳисобот даврида консолидациялаштириладиган молиявий ҳисобот тузишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Хусусий капитал таркибининг кўпайиши ёки камайиши Бош ва шўъба корхоналари гуруҳининг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботида алоҳида модда сифатида акс эттириш лозим. Бизнингча, бу ҳисобот шаклига «Қарам корxonаларда иштирок этишдан олинган молиявий натижа» номли моддани киритиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилганимизда, Бош ва шўъба корхоналари молиявий ҳисоботларини умумлаштиришнинг назарий-услубий асосларини ишлаб чиқиш бу ҳисоботдан ички ва ташқи фойдаланувчиларни тезкор, ишончли ахборотлар таъминлашга хизмат қилади.

III. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузишнинг назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқиш борасида олиб борилган илмий изланишлар натижалари қуйидаги хулосалар қилишга имкон берди:

1. Халқаро амалиётдаги мавжуд меъерий ҳужжатларда Бош ва шўъба корхоналари гуруҳининг аниқ, мустақил таснифлаш тартиби кўрсатилмаган. Шу муносабат билан, тадқиқотда концерн, холдинг компанияси, уюшма, корпорация, концорциум каби янги иқтисодий тузилмаларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мақомига таъриф берилган. Ишда республикамизда мазкур субъектларга тавсиф беришда қуйидаги таърифдан фойдаланиш таклиф қилинган: «Бош ва шўъба корхоналари гуруҳи бу аниқ юридик ва молия-ҳужалик муносабатларида иштирок этувчи, молиявий алоқалар ва шартномалар орқали аниқланадиган корхоналарни бирлаштиришнинг алоҳида шаклидир».

Илмий ишда консолидациялаштириш борасида тадқиқотлар олиб борган республикамиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг мулоҳазаларини умумлаштирган ҳолда консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботга қуйидагича таъриф берилган: *“Консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот - ягона иқтисодий тузилма ҳисобланган ўзаро боғлиқ Бош ва шўъба корхоналари гуруҳининг молиявий ҳисоботи бўлиб, уларнинг ҳисобот давридаги мулкӣ ва молиявий ҳолати ҳамда фаолиятининг молиявий натижаларини ҳаққоний фойдалашга хизмат қилади”*.

2. Илмий ишда Бош ва шўъба корхоналари гуруҳига кирувчи корхоналар молиявий ҳисоботларини консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботга бир хил тарзда киритиш мақсадга мувофиқ эмаслиги илмий асослаб берилган. Шу сабабли, унда илк марта консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузиш субъектлари алоҳида хусусиятларига қараб таснифланган.

3. Тадқиқотда консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботнинг келиб чиқиш тарихи ва уни шаклланиш жараёни атрофлича ўрганилган. Бунда АҚШ, Франция, Германия, Англия, Япония каби ривожланган мамлакатларда консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботни тузиш тажрибаси чуқур тадқиқ қилинган.

4. Диссертацияда Бош, шўъба ва қарам корхоналарида консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботнинг моҳияти аниқланган ҳамда уни тузишнинг мақсад ва вазифалари белгилаб берилган.

5. Тадқиқотда йиғма молиявий ҳисобот билан консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот ўртасидаги фарқли томонлар илмий жиҳатдан асослаб берилган. Шунингдек, консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботнинг назарий асосларини чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида у билан алоҳида корхона молиявий ҳисоботи ўртасидаги ўхшашлик ҳамда фарқли жиҳатлар аниқланган.

Библиотека

СлксСМ

а-13983

6. Диссертация ишида консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузишнинг муҳим тамойиллари аниқланган. Унда мазкур ҳисоботни тузишга доир мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг илмий ишлари ҳамда тегишли халқаро стандартлар, меъёрий ҳужжатлар чуқур илмий асосда ўрганилган.

7. Тадқиқот ишида консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг ўтиш ҳисоботини тузиш, баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги консолидациялаштирилган ҳисобот шакллари моддаларини алоҳида горизонтал жамлаш натижасида жамланган маълумотларга эга бўлиш, бевосита консолидациялаштириш каби учта босқичдан иборат услубиёти ишлаб чиқилган.

8. Илмий тадқиқотда консолидациялаштиришнинг халқаро тажрибада кенг қўлланилаётган “Бирлик” ва “Манфаатлар” назариялари чуқур тадқиқ этилган ҳамда уларнинг афзалликлари қиёсий равишда таҳлил қилинган. Ишда бу назарияларнинг ижобий жиҳатларини умумлаштирувчи «Тулиқ консолидациялаштирилган Манфаатлар назарияси»ни ривожлантириш бўйича муҳим илмий тавсиялар берилган.

9. Диссертацияда Бош ва шўба корхоналарининг консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботи консолидациялаштирилган баланс, молиявий натижалар ва пул оқимлари тўғрисидаги консолидациялаштирилган ҳисоботларга ажратиб тадқиқ этилган. Ишда уларни тузишнинг ўзига хос хусусиятлари атрофлича ўрганилган.

10. Бош ва шўба корхоналари гуруҳига кирувчи корхоналар молиявий ҳисоботлари консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботга алоҳида усуллар ёрдамида бирлаштирилади. Диссертацияда шўба корхоналари молиявий ҳисоботини консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботга тулиқ консолидациялаштириш усули ёрдамида бирлаштириш таклиф қилинган.

11. Тадқиқотда консолидациялаштирилган баланснинг муҳим таркибий қисми сифатида капитални консолидациялаштириш тартиби ишлаб чиқилган.

Ишда капитални консолидациялаштиришнинг бирлаштириш (манфаатларни бирлаштириш) ва сотиб олиш (акциялар пакетини сотиб олиш) усулларини афзалликлари, умумий ва фарқли жиҳатлари тадқиқ этилган. Шунингдек, уларни амалиётга қўллаш тартиби аниқ корхона мисолида кўрсатиб берилган.

Диссертацияда капитални бевосита консолидациялаштиришнинг балансга баҳолаш ва янги баҳолаш усуллари чуқур тадқиқ этилган.

12. Қўшма корхоналар (ҳамкорликда назорат қилинадиган) Бош ва шўба корхоналари гуруҳи таркибида муҳим ўрин эгаллайди. Бош корхонанинг қўшма корхоналарга таъсир даражаси шўба корхонасига нисбатан камроқдир.

Шу нуқтаи-назардан, ишда қўшма корхоналар молиявий ҳисоботини консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботга мутаносиб бирлаштириш усули орқали киритиш тавсия этилган.

13. Илмий ишда қарам корхоналари молиявий ҳисоботларини Equity усули билан консолидациялаштириш таклиф этилган. Унга кўра алоҳида корхонанинг молиявий ҳисоботидаги актив ва мажбуриятлар, даромад ва харажатлар Бош ва шўба корхоналари гуруҳи консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботида бевосита киритилмайди. Бунда иштирок қиймати қарам корхонанинг ўз капиталида, Бош компаниянинг иштирок улушига мос равишда акс эттирилади. Ишда Equity қийматини баланс ва мос қиймат усуллари ёрдамида аниқлаш тавсия этилган.

IV. ДИССЕРТАЦИЯ МАВЗУСИ ВА НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА НАШР ЭТИЛГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Насретдинов С.С. Развитие учета расходов периода. // «Реформа и развитие бухгалтерского учета и аудита в условиях рыночной экономики Узбекистана»: Тез. докл. межд. конф.-Ташкент, 2001.- С.101-102.

2. Насретдинов С.С. Консолидациялаштирилган ҳисобот тузишнинг назарий асослари. // «Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида янги счетлар режасини амалиётга жорий этиш муаммолари»: Илмий-амалий конф. матер. 2002 йил 15-16 март.-Тошкент, 2002. 95-101 б.

3. Насретдинов С.С. Вопросы составления консолидированной финансовой отчетности. // Пятнадцатые международные Плехановские чтения: Сб. тезис. докл. межд. конф.-М., 27 апреля 2002 г. С.130-132.

4. Насретдинов С.С. Консолидированная финансовая отчетность в условиях корпоративного управления экономикой Узбекистана. // Ж. Аспирант и соискатель, №1.-М.: 2003.-С.61-62.

5. Насретдинов С.С., Салихбаева У.С. «Дори-Дармон» давлат акционерлик уюммаси Ўзбекистон фармацевтика бозорида ишончли ҳамкор. // Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2003. №4.-32-35б.

6. Насретдинов С.С. Шўба корхоналар молиявий ҳисоботларини умумлаштириш. // Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2003. №5.-50-52 б.

7. Насретдинов С.С. Шўба корхоналарида консолидациялаштирилган (умумлаштирилган) ҳисобот тузиш. // Ж. Бозор, пул ва кредит. 2003. №7.-34-36 б.

8. Насретдинов С.С., Хасанов Б.А. Консолидациялаштирилган (умумлаштирилган) бухгалтерия ҳисоботи. // Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2003. №10.-20-21 б.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Насретдинов Саидвали Саиднабиевичнинг 08.00.08 - «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит» ихтисослиги бўйича «Консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузишнинг назарий ва услубий масалалари» (Дори-Дармон Давлат акционерлик уюшмаси мисолида) мавзусидаги диссертациясининг

Қ И С Қ А Ч А М А З М У Н И

Калитли сўзлар: консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот, Бош корхона, шўъба корхона, қарам корхона, қўшма корхона, Бирлик назарияси, Манфаатлар назарияси, йўғма ҳисобот, тулиқ консолидациялаштириш, муганосиб консолидациялаштириш, капитални консолидациялаштириш, мажбуриятлар, «оралиқ натижалар», ўтиш ҳисоботи, бирлаштириш усули, сотиб олиш усули, Equity усули, янги қиймат, мос қиймат, баланс қиймати.

Тадқиқот объектлари: «Дори-Дармон» Давлат акционерлик уюшмаси тизимидаги консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузувчи корхоналар.

Ишнинг мақсади: Консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузиш услубиётини чуқур тадқиқ қилиш ва унинг назарий ҳамда амалий асосларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: гуруҳлаш, саралаш, таққослаш, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез ҳамда бошқа иқтисодий-статистик ва таҳлилий усуллар.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Бош ва шўъба корхоналари гуруҳининг ҳуқуқий мақомига таъриф берилди ҳамда улар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилди; консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботни тарихий шаклланиш жараёни таҳлил қилинди ва ривожланган мамлакатларда уни тузишнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилди; консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботнинг иқтисодий моҳияти аниқланди ҳамда уни тузишнинг мақсад ва назифалари белгилаб берилди; консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузишнинг ўзига хос тамойиллари аниқланди; «Бирлик» ва «Манфаатлар» назарияларини тадқиқ этиш асосида консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузишнинг такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди; Бош ва шўъба корхоналари капитални бирлаштириш ва сотиб олиш усуллари ёрдамида консолидациялаштириш бўйича амалий тақлифлар ишлаб чиқилди; консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботни йўғма молиявий ҳисобот ва алоҳида корхона молиявий ҳисоботи билан фарқли жиҳатлари қиёсий таҳлил қилинди; консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботни тузиш тартиби ва bosқичларини ҳамда консолидациялаштиришга тегишли меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқилди; Бош ва шўъба корхоналарининг баланс, молиявий натижалар, пул оқимлари туғрисидаги консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот шакллари тузиш бўйича амалий тавсиялар берилди; шўъба корхоналари молиявий ҳисоботини консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботга тулиқ консолидациялаштириш усули ёрдамида бирлаштириш тақлиф этилди; қўшма корхоналар молиявий ҳисоботини консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботга муганосиб бирлаштириш усули орқали киритиш тавсия этилди; қарам корхоналари молиявий ҳисоботларини консолидациялаштиришнинг Equity усули амалий мисоллар асосида тадқиқ этилди ҳамда уни қўллаш бўйича илмий тавсиялар берилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқотлар натижасида олинган назарий хулосаларни Бош ва шўъба корхоналари амалиётида консолидациялаштирилган ҳисобот тузишга тадбиқ этишдан иборат.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Илмий иш натижалари «Дори-Дармон» давлат акционерлик уюшмаси тизимидаги корхоналарнинг консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботини тузишда ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини такомиллаштириш жараёнида, шунингдек, диссертациянинг айрим назарий тавсияларидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги ўқув юртларининг ўқув жараёнида фойдаланилмоқда.

Қўлланилиш соҳаси: Тадқиқот натижалари консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқишда, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқув жараёнида қўлланилиши мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Насретдинова Саидвали Саиднабиевича на тему «Теоретические и методические вопросы составления консолидированной финансовой отчетности» (на примере Государственной акционерной компании «Дори-Дармон») на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.08. «Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит»

Ключевые слова: консолидированная финансовая отчетность, Головное предприятие, дочернее предприятие, зависимое предприятие, совместное предприятие, теория единства, теория интересов, сводная отчетность, полное консолидирование, пропорциональное консолидирование, консолидирование капитала, консолидирование обязательств, промежуточные результаты, пробный баланс, метод объединения, метод покупки, метод Equity, новая стоимость, соответствующая стоимость, балансовая стоимость.

Объектом исследования явились предприятия системы Государственной акционерной ассоциации «Дори-Дармон» Республики Узбекистан.

Целью диссертационной работы является глубокое изучение методологии составления консолидированной финансовой отчетности, разработка ее теоретических и практических основ.

Методической основой исследования является группировка, подбор, сравнение, индукция и дедукция, анализ, синтез и другие экономико-статистические, аналитические методы.

Полученные результаты и их новизна: обоснована экономическая сущность консолидированной финансовой отчетности; исследованы особенности подготовки и представления консолидированной финансовой отчетности; разработаны порядок и принципы составления этой отчетности на предприятиях отрасли; изучена зарубежная и отечественная экономическая литература, труды ученых, международные стандарты, нормативно-правовая база консолидированной отчетности; даны научно обоснованные рекомендации по применению «Теории единства» и «Теории интересов» в составлении консолидированной финансовой отчетности; проведен сравнительный анализ сводной и консолидированной отчетности отдельно взятого предприятия; дано определение юридическому статусу и классифицированы субъекты Головного и дочернего зависимого предприятий; разработана этапы составления консолидированной финансовой отчетности; даны практические рекомендации по составлению баланса, отчета о финансовых результатах предприятия и других форм при консолидации; даны практические рекомендации по объединению капиталов методами выкупа, Equity, соответствующей и других методов полной консолидации;

Практическая значимость: полученные теоретические результаты исследования могут быть применены на практической деятельности Головного, дочернего, зависимых и совместных предприятиях.

Степень внедрения и экономическая эффективность: практическая значимость научного исследования приняты к внедрениям и получены соответствующие документы на предприятиях государственной акционерной компании «Дори-Дармон», а также министерством финансов Республики Узбекистан при разработке национальных стандартов бухгалтерского учета и инструктивных материалов.

Кроме того, результаты исследования применяются в преподавании курсов «Финансовый учет», «Финансовая отчетность» и «Финансовый анализ».

Область применения: Результаты научного исследования являются источником совершенствования нормативно-правовой базы консолидированной финансовой отчетности. Некоторые рекомендации и разработки могут быть применены в учебном процессе при преподавании специальных дисциплин.

R E S U M E

Thesis of Nasretidinov Saidvali Saidnabaevich on the academic degree competition of the candidate of economic sciences, speciality 08.00.08 - «Book keeping, the economic analysis and audit » on a theme «Practical and theoretical questions of making consolidated financial report» (on example of JSA "Dori-Darmon")

Key words: consolidated financial report, main enterprise, dependent enterprise, joint enterprise, theory of sole, theory of welfare, assembly account, total consolidating, proportional consolidating, consolidating of capital, emergency, "interval of results", passage report, method of connecting, method of purchase, method of *Equity*, new value, similar value, balance value.

Subjects of the inquiry: the main enterprise of making consolidated financial report in structure JSA "Dori-Darmon"

Aim of the inquiry: Deep investigate methods of practical and theoretical basis of making consolidated financial report.

Method of inquiry: grouping, selection, compare, induction and diduction, analysis and synthesis although other economic-statist and methods of analysis.

The results achieved and their novelty: Settled in economic point of the matter of consolidated financial report; investigated main point of making it in development countries in the world; made of account order and groups; the construction of report is based of study scientific works, scientific economists and corresponding norm of standarts; in development of creation of the consolidated financial reporting scientific recommendations "Birlik" and "Manfaat" have been given, and also in the report the summary financial report of the enterprises and the financial report of the enterprises separately and also a difference between them are given; in consolidation of the financial reporting of the main enterprise, branch, and also the dependent enterprises the legal characteristic has been given, and also stages of his(its) development were considered(examined). Practical recommendations on drawing up of forms of the consolidated financial reporting, and as practical offers on consolidating the capital head and subsidiary enterprises on a method of the purchase and unification, consolidated financial reports subsidiary enterprises by a method of full consolidation, consolidated financial reports of joint ventures a proportional method, consolidated financial reports dependent the enterprises method *Equity* have been given.

Practical value: The practical importance of the received theoretical conclusions in development of researches grows out introductions in practice of drawing up of the consolidated report head and affiliated the enterprises.

Degree of embed and economical effectivity: Results of scientific research acceptance drawing up of the consolidated report in structural divisions GAA " Dori-Darmon " and acceptance by Ministry of Finance RUz in drawing up of the consolidated financial reporting of national standards of book keeping. Some theoretical recommendations of the dissertation acceptance during training in educational institutions in system of Ministry High and average special formation(education).

Sphere of usage: Results of research can will be applied in development of norm-legal base drawing up of the consolidated financial reporting, and also during training in educational institutions high and average special formation (education).

Босишга рухсат этилди	27.08.04.
Қоғоз бичими	30x42
Ҳисоб-нашр табоғи	1,1 б.т.
Адади	60
Буюртма	10

